



# СИЁСАТ

## ● ФРАКЦИЯ ХАЁТИ

### Сайлов қонунчилиги янада такомиллашади



(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда лойиҳа ташаббускорларидан бири, фракция аъзоси А.Саидов қонуни ишлаб чиқиш жараёни ҳақида ахборот берди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида «Миллий тикланиш» Демократик партияси фракциясининг бир гуруҳ депутатлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрланди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қатор тadbирлар, давра суҳбатлари ва кенг муҳокамалар ўтказилди, - деди нотиқ. — Жумладан, жойларда 50 га яқин семинар ва давра суҳбатлари, халқаро конференциялар, муҳокамалар ўтказилди. Уларнинг натижаларига кўра, келиб тушган 100 га яқин тақлиф ва тавсиялар таҳлил қилинди ҳамда умумлаштирилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган демократик мамлакатларнинг сайлов қонунчилиги ҳамда илгор тажрибалари ўрганилди. Шу нуктаи назардан мазкур қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига ҳам тўла жавоб беради. Унинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши мамлакатимизнинг сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов таъминотини олиб бериш жараёнида номзодлар ва сиёсий

партияларга тенг шароитлар таъминланиши, шунингдек сайловнинг очик ва ошқоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фракция йиғилишида сўз олган депутатлар қонун лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигига доир миллий тажрибасига таянганлигига алоҳида эътибор қаратишди. Эътироф этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизими мунтазам такомиллаштириш бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этишнинг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг кафолати бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Арслон ЭШМУРОДОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Бугун Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоларидан иборат бир гуруҳ депутатлар, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция»сининг «Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш» йўналишидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун лойиҳасини тайёрлаш ташаббусини илгари

хуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, 30 га яқин ривожланган Европа ва Осиё давлатларининг қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинди.

Концепциядаги тақлифлар доирасида Миллий сайлов қонунчилигимизнинг мавжуд нормалари чуқур таҳлил этилди. Унинг асосий қоидалари ўтказилган иккита халқаро анжуман ва бир нечта давра суҳбатларида муҳокама қилинди. Мухтасар қилиб айтганда, мазкур ташаббус демократик янгиланишлар жараёнида сайлов тизимини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Юртимизда демократик янгиланиш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги босқичга кўтариш бормоқда. Бу эса мавжуд ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Биз депутатлар учун муҳим вазифа «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламлари ўртасида нафақат тарғиб қилиш, балки унинг ижро этилишида фаол иштирок этишидир.

Жумладан, юртимизда сайлов тизими мунтазам такомиллаштириш бориши амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирди. Хусусан, фракцияимиз аъзолари ташаббуси билан тайёрланган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларини ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси шу жумладандир.

Акmal РАХМОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Маълумки, фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларини сайловлар орқали амалга оширади. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдик. Жумладан, сайлов ҳуқуқига оид халқаро ҳужжатлар, масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва бошқа бир қатор халқаро-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ва демократик ислохотларни, илгор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислох қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг илмий ва интеллектуал салоҳиятини намойён этишга шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда - ОАК), Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфда олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб:

умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш;

стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Белгиланган: фан доктори илмий даражаси «магистр» даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтига илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини бериш бўйича кенгашлар томонидан берилди;

катта илмий ходим-изланувчилар институтига «магистр» даражаси бўлган, илмий ва илмий-педагогик фаолият стажига (2 йилдан кам бўлмаган), шунингдек, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асос бўлиши мумкин бўлган, маълум бир илмий натижаларни қўлга киритган (илмий мақолалар нашр этиш, илмий анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш ва бошқалар) шахслар қабул қилинади; ўрнатилган тартибда мустақил

тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, «бакалавр» ёки «магистр» даражаси билан олий маълумотга, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқатли мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рўхсат берилди.

3. Амалда мавжуд бўлган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ илмий даражалар бериш бўйича мавжуд ихтисослашган кенгашларга 2012 йилнинг охирига қадар 2012 йил 1 июлгача ОАК веб-сайтида диссертация ишлари ҳимоялари ҳақида эълон қилинган тадқиқотчиларга фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини бериш бўйича ишларни кўриб чиқишга рўхсат берилсин.

4. Қуйидагилар: фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори;

профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш саклаб қолинсин.

Бунда, аттестация ишлари кўриб чиқиш учун 2012 йилнинг 1 июлгача ОАКга тақдим этилган шахсларга илмий унвонлар амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ берилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар:

икки ой муддатда, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фан йўналишлари ва ихтисослашқан шифрларининг янги рўйхатини ўрнатилган тартибда тасдиқласинлар; 2012 йилнинг 1 ноябригача илмий даражалар бериш бўйича амалдаги ихтисослашган кенгашларни чуқур таҳлил қилиб, фан йўналишлари ва ихтисослашқан янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини бериш бўйича кенгашлар тузишга оид тегишли қарор қабул қилсинлар;

2012 йилнинг 1 ноябригача

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 июль

## ● ПАРТИЯЛАРАО МУНОЗАРА

**Фориш Жиззах вилоятининг худудий ва иқтисодий салоҳият жиҳатдан етакчи туманларидан бири саналади. Асосан лалми ғаллакорлик, деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ривожланган туманда бугунги кунда 80 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Форишда туризмни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд ҳамда ушбу йўналишда ҳозирги вақтда талай ишлар қилинмоқда.**

Айни пайтда 40 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари, 200 га яқин яқка тартибдаги тadbиркор ҳамда 724 та кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг фаолият юритиши туманда тadbиркорликни ривожлантириш, соҳа фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантиришга берилаётган эътибордан далолатдир. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланган ва улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш янада кучайиб бораётган бир даврда, ҳар тўққизда битта айб дегандай, улар фаолиятига асос-

сиз аралашув, иш юритишларига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳам учраётгани ачинарли ҳол. Хусусан, Жиззах вилоят адлия бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, 2011 йилда туманда тadbиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 138 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, шундан 75 таси қамоатлантирилган, 49 тасига эса ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ҳимоя қилиш соҳасида судларга жами 166 та 1 942 009 949 сўмлик давъо аризалари киритилган. Бу борадаги ишларни таҳлил этар

## Амалий ҳаракат дастурий мақсадга мос бўлсин

### ЁКИ ЎзЛиДеП ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ МУАММОЛАРИДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ХАБАРДОР?

эканмиз, тadbиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тadbиркорликни ривожлантириш, шартномавий муносабатларга доир қонун ҳужжатларининг ижроси бўйича Фориш туманида талай муаммолар борлиги кўзга ташланади. Жумладан, ОАТБ «Агро банк» Фориш туман филиали масъул ходимлари томонидан фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, тadbиркорлик субъектларига амалий ёрдам беришда қатор локайдликларга йўл қўйилган. Мисол учун, «Фориш» ҚФЙ, Кўхнабозор қишлоғида яшовчи баъзи тadbиркорларнинг банкдан кредит ажратилиши сўраб ёзган аризалари банк филиалига, ижро учун масъул шахсларга чиқарилган. Лекин ушбу аризалар улар томонидан кўриб чиқилмаган ва муаллифларга ёзма равишда жавоб қайтарилмаган. Худди шундай

ҳолатлар «Осмонсий неъмат» хусусий корхонаси раҳбари, «Бизнес Кафолат Шоҳруҳ» хусусий фирмаси раҳбари билан ҳам содир бўлган.

Ажаблანарли ҳолат шундан иборатки, тумандаги тadbиркорлар, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган юрдошларимизда учраётган бу каби муаммолардан ўз дастурида «Партия тadbиркорлар эркинликларини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил бўлиши, тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этилиши тарафдори» бўлишини ваъда қилган ЎзЛиДеП Фориш туман кенгаши фаоллари, хусусан, халқ депутатлари туман Кенгашидаги 7

нафардан иборат депутатлик гуруҳи аъзолари етарлича хабардор деб бўладими?

бундай ҳолатларга нисбатан беварқ муносабатда бўлаётгани ҳар қандай кишини ажаблантириши

**Юртимизда тadbиркорлар ва кичик бизнес вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар фаолиятига нисбатан ҳар қандай аралашувни бартараф этишга қаратилган изчил ислохотлар амалга ошириладиган бир пайтда, Фориш туманида айнан шундай муаммоларнинг мавжудлиги, ЎзЛиДеПнинг эса бундай ҳолатларга нисбатан беварқ муносабатда бўлаётгани ҳар қандай кишини ажаблантириши шубҳасиз.**

Юртимизда тadbиркорлар ва кичик бизнес вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар фаолиятига нисбатан ҳар қандай аралашувни бартараф этишга қаратилган изчил ислохотлар амалга ошириладиган бир пайтда, Фориш туманида айнан шундай муаммоларнинг мавжудлиги, ЎзЛиДеПнинг эса

шубҳасиз. Эътиборлиси, ўтган йиллар мобайнида халқ депутатлари Фориш туман Кенгашининг 20 та сессияси бўлиб ўтган. Лекин, анчайин салмоқли тарихига эга бўлган ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи Кенгаш сессияларида бевосита мазкур масалалар билан боғлиқ бирорта ҳам ташаббус ёхуд тақлиф билан чиқмаган. Урни

келганда айтиш жоизки, туман ҳокими ҳам ЎзЛиДеП аъзоси.

Жамоатчиликка тadbиркорлар ва ишбилармонларга яқин кўмакчи бўлиши ваъда берган ЎзЛиДеПчилар келгуси сайловларда сайловчиларга яна қандай ваъдалар беришаркан...

Партия дастурида «Партия молия ва банк тизимида ислохотларни чуқурлаштириш, такомиллашган бозор инфратузилмасини яратишга жиддий эътибор қаратади. Банклар сармоялаш жараёнининг муҳим бўғини бўлиши, корхоналар ва тadbиркорлик тузилмалари ривожланишидан манфаатдор бўлган содик ҳамкорга айланиши керак» дея белгиланган ваъдао вазифаларни нахот дарров унутилган бўлса. Ёхуд тadbиркорлик субъектларини ноқонуний текшириш, фермер хўжалиқларидан ортиқча тўловлар ундириш ҳолларининг жойларда ҳамон учраб турганлиги, туманда партия фаоллари томонидан уларни бартараф этиш чора-тadbирлари ишлаб чиқилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Дилноза ХАЙИТОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Маҳалла институти

БЕТАКРОР МИЛЛИЙ ВА ДЕМОКРАТИК КАДРИЯТ

### НАВОИЙ

Маҳалла ҳаёт мактабидир. Халқимизнинг азалий кадриятлари — ҳашарлар, тўй-тантаналар, маросимлар ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ташкил этилишида маҳалла институтининг ўрни беқиёс. ЎЗМТДП Нурота туман Кенгаши томонидан "Маҳалла — бетакрор миллий ва демократик кадрият" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Нурота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу тизим фаолияти такомиллашувида ҳаётий тажрибага эга, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиб, дардига шерик бўла оладиган, обрў-эътиборга сазовор маҳалла оқсоқолларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар аъёна ва удумларимиз тимсоли бўлган никоҳ ва суннат тўйларини ихчам, камчиқим ўтказиш, ёш келин-куёвларнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий билимларини оширишда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва маҳалла фаоллари, шунингдек, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қарияларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ, деган фикр-мулоҳазаларни билдиришди.

Тадбир доирасида ёшлар томонидан "Қувлашмачок", "Бештош", "Чилла" каби ўзбек халқ ўйинлари мусобақаси ташкил этилди.

### НАМАНГАН

ЎЗМТДП Чортоқ туман Кенгаши ташаббуси билан "Диплом бўлан — ҳаётга!" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари ва ёшлар иштирок этди.

Дарҳақиқат, битирувчи ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бири саналади. Зеро, Ватанимиз тақдири ҳар жиҳатдан интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўз соҳалари бўйича фаолият кўрсатиб, шу орқали жамиятга фойдаси тегиши билан боғлиқдир.

— Мазкур тадбир ёшлар ҳаётида унутилмас кун бўлиши шубҳасиз, деди ЎЗМТДП Чортоқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Дилафрўз Ҳамроҳўжаева. — Боиси, тадбирда тумандаги турли ташкилот ва корхона вакиллари иштирок этиб бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилмоқда. Жумладан битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида имзоланган шартномалар орқали 75 нафар ёшларнинг иш билан таъминлангани тадбирнинг нечоғлик аҳамиятли эканидан далолатдир.

### САМАРҚАНД

ЎЗМТДП Иштихон туман Кенгаши томонидан "Миллий тикланиш гоёсининг энг яхши тарғиботчиси" Республика кўриктанловининг туман босқичи ўтказилди. Унда партиянинг гоё ва мақсадларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатиб, етакчилик қобилияти, иқтидорини намойён этаётган партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

— ЎЗМТДП томонидан ўтказиб келинаётган бундай кўриктанловлар фуқаролар, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва партия гоёларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш имконини бермоқда, деди ЎЗМТДП Иштихон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси М.Баҳодирова. — Шунингдек, ёшларда миллий кадриятларга садоқат туйғусини кучайтириш ва уларнинг фуқаролик нуқтаи назарини эркин намойён қилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Кўрик-танлов иштирокчилари учта шарт — сиёсий-ҳуқуқий билимлар тести, илмий-оммабоп мақолалар баёни ҳамда суҳбат асосида ўз қобилиятларини синаб кўриларди. Якунда партия фаоли Насиба Ҳусанова туман босқичи голиби, деб топилди, кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Ғолиблар ва танлов иштирокчилари партия туман Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

### СУРХОНДАРЁ

Бугунги глобаллашув жараёнида миллий ўзликини асраш, асрлар давомида сайқалланиб келаётган беқиёс маънавиятимиз ва маданиятимизни тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутди.

ЎЗМТДП Қумқўрғон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "Миллий кадрият, аъёна ва урф-одатларимизни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда "Қумқўрғон садоси" газета тахририяти жамоаси иштирок этди.

Давра суҳбатини Қумқўрғон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ж.Аноров кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда рўй бераётган барча жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни ОАВ орқали англашимиз унинг ҳақиқий маънода давр кўзгуси эканлигини англатади. Миллий кадриятларимиз, аъёна ва урф-одатларимиз мустақиллик туфайли ўзимизга қайтди, кадр топди. ЎЗМТДПнинг бош мақсади ҳам миллий кадрият, аъёналаримизни дунёга танитишдан иборатдир. Халқимизнинг урф-одатлари, миллий кадриятларини кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир.

Тадбир сўнгида давра суҳбати иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди ҳамда "Қумқўрғон садоси" газетасида ушбу мавзуга бағишланган саҳифа очишни йўлга қўйиш тўғрисида келишиб олинди.

Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

## Олимпиадада қатнашиш бахт — совриндор бўлиш эса юксак шарафдир

XXX-ЎЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ЛОНДОНГА ЖўНАБ КЕТИШДИ

Ўзбекистон ҳукумати спортчиларимизнинг халқаро мусобақалар, Олимпия, Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашишлари учун барча шароитларни яратиб берганлиги натижасида олимпиада ўйинларида қатнашчилар ва уларда совриндор бўлган ҳамюртларимиз сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Собиқ иттифоқ таркибидан ўтган 70 йил давомида Ўзбекистондан Ўзги Олимпиада ўйинларида атиги 40 нафар спортчи иштирок этган бўлса, мустақилликдан кейин АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида гарчи илк бор бўлса-да, мамлакатимизнинг 76 нафар спортчиси қатнашди. Спортчиларимиз дастлабки олимпиадада қатнашибгина қолмасдан, совриндорлар сафидан ҳам ўрин олдилар. Яъни, дзюдочи Армен Богдасаров кумуш, боксчимиз Карим Тўлаганов эса бронза медалини қўлга киритганлиги мамлакатимиз спортчиларининг имкониятлари қанчалик даражада эканлигини яққол кўрсатиб берди.

1994 йилда Лиллихаммерда ўтказилган қишқи Олимпия ўйинларида қатнашган ўзбекистонлик Лина Черязова олтин медалга сазовор бўлди ва спортчиларимиз орасида биринчи олимпиада чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Спорт соҳасида қисқа даврда амалга оширилган ишлар кўлами, Ўзбекистоннинг бу борадаги таъриби халқаро миқёсда эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳамда Халқаро олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун 1996 йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг олий муко-

фоти-Олтин Олимпия ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 1996 йилда Тошкент шаҳрида «Олимпия шон-шухрати» музейи ташкил этилиб, унинг очилиш маросимини Халқаро Олимпия қўмитасининг Президенти Х.А.Самаранч қатнашди.

2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтган Олимпия ўйинларида эса 77 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, боксчиларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, Рустам Саидов бронза, эркин курашчи Артур Таймазов кумуш медал соҳиб бўлди.

2004 йили Афинада бўлиб ўтган XXVIII Олимпия ўйинларида иштирок этган 202 та давлатнинг спортчилари билан беллашган юртимиз спортчилари жами бешта - иккита олтин, битта кумуш, иккита бронза медал соҳиб бўлдилар.

2008 йили Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпия ўйинларида 205 та мамлакат спортчилари қаторида беллашган ҳамюртларимиз жами олтин, шундан иккита олтин, иккита кумуш, учта бронза медалларининг соҳиб бўлдилар ва норасмий умумжамоа ҳисобида 40 - ўринни эгалладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августдаги "Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX Ўзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг хизматларини, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга, рес-

публикада болалар ва ўсмирлар спортининг оммавийлигини янада ўстиришга қўшган ҳиссасини муносиб баҳолаш, ўсиб келаётган ёш авлод оғида ўз Ватанидан гурурланиш ва унга муҳаббат, атоқли спортчиларимизнинг янгидан-янги спорт чўққиларини ишғол қилиш намунасида ибрат олишга интилиш хис-туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида — олтин медал соҳибига 200 минг доллар, кумуш медал соҳибига — 100 минг доллар ва бронза медал соҳибига — 50 минг доллар, бошқа қатнашчи-спортчиларга 2 минг доллардан мукофот пули бериш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари заруратини ҳисобга олган ҳолда, Ўзги Олимпия ўйинларининг совриндорлари бўлган спортчиларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш чораларини кўриш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX Ўзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX Ўзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссияси тузилиб, Ҳукуматнинг қарори билан Ўзбекистон спортчиларини XXX Ўзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга босқичма-босқич тайёрлаш Дастури тасдиқланди.

Эркин ЮСУПОВ, ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ аъзоси

### ТАРҒИБОТ

## Маънавий мерос

ЎЗМТДП Шофиркон туман Кенгаши томонидан "Оилавий муносабатларда миллий урф-одатлар ва аъёналарнинг қўлланилиши" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎЗМТДП туман Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоллари, туман хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари, "Шофиркон овози" газетаси ходимлари, ёш оилалар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мустақиллик шарафати билан аждоқларимизнинг асрлар мобайнида яшаб келаётган бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, унутилаёзган аъёналаримиз қайта кўз очди. Миллий урф-одат ва аъёналаримиз маънавий мерос сифатида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ўзбекиона меҳмондўстлик, қўшнлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар каби қўллаб-ўзига хос миллий аъёналаримиз ҳеч бир халқда йўқ, десак адашмаймиз.

"Мустаҳкам оила йили"да оилаларга қатор имконият ва имтиёзлар берилиши оилалар тинч-тотувлигини таъминлаш борасида яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, оила аҳил бўлса, юрт фаровон ва тинч бўлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар оила мустаҳкамлигида аёлларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидладилар. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий, ҳуқуқий билими бўлиши ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тадбирда аёлларнинг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрин топиши, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Усмонов партия сайловлиди Платформасида шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлиги алоҳида таъкидлангани, юртимизда оила институти ва унинг кадриятларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун етказиш устувор вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратди ва бу борада партия томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Маннон ОТАБОЙ, "Milliy tiklanish" муҳбири

### БОШЛАНҒИЯ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Унинг ҳуқуқий механизми босқичма-босқич янада такомиллашиб бормоқда. Президентимизнинг жорий йил 9 июлдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ўзини ўзи бошқариш органларига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир тасдиғидир.

## Азалий кадрият ва аъёналар тарғиботи

### БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Қува туманининг "Деҳқонбод" қишлоқ фуқаролар йиғини юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳозир "Деҳқонбод" ҚФЙда истиқомат қилаётган 17 минг нафардан ортиқ аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Худуд аҳолисининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнига дахлдорлик туйғусини шакллантиришда қишлоқ фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг алоҳида ўрни бор. 76 нафар ЎЗМТДП аъзосини бирлаштирган қуйи бўғин 2009 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қуйи бўғин партия дастури, сайловлиди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, электротар манфаатларини ифода этиш, ёшларни мил-

лий кадрият, аъёна ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Қуванинг серхосил анорлари ва турфа хил мевалари нафақат водийда, балки республикада ҳам машҳур. Шу боис қуйи бўғин партия Ҳаракат дастурида белгиланган истиъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брэндларнинг юзга келишига қўмаклашиш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жалон бозорларига чиқишига ёрдамлашишга доир айрим ҳудудий масалаларни ижобий ҳал қилишга интилоқда. Жумладан, қишлоқларда етиштирилаётган мева ва сабзавотларни сифатли, узоқ вақт сақлаш ҳамда харидорларга етказишда айрим муаммолар мавжуд эди. Мазкур масала бошланғич партия ташкилоти томонидан ўрганилиб, халқ депутатлари Қува туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар гуруҳига тақдим ва ташаб-

бус билан чиқилди. Натижада тегишли идоралар билан ҳамкорликда худудда музлатгич омбор ишга туширилди ва 5 та янги иш ўрни ташкил этилди. Қуйи бўғин томонидан халқимизнинг бой тарихий, маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳамда келажак авлодларга бус-бутун етказишга қўмаклашиш мақсадида қатор тадбир ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Хусусан, БПТ ташаббуси билан Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний тарихий музейи ташкил этилди. У мутафаккир олим ҳаёти ва ижоди намуналари акс этган экспонатлар билан бойитилмоқда. Қуйи бўғин ўтган йили партия Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" Республика кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлди.

—Бошланғич партия ташкилотининг аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар он-

Ҳабибулло РУСТАМОВ, ЎЗМТДП Қува туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси

# ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

## ● БРИФИНГ

### Фуқаролик жамияти институтлари

ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамкорлигида "Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишнинг муҳим масалалари"га бағишланган брифинг ўтказилди.**

Тадбир лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, жойларда ижтимоий шерикликни янада кучайтириш масалалари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ярим йиллик ҳисоботини кенг жамоатчиликка тақдим этиш мақсадида ташкил этилди.

Ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, - деди Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. — Жумладан, ўтган 4 йил мобайнида фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 22 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Жорий йилда эса давлат

бюджетидан ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағ 20 фоизга ортиб, 6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу йил бошида Парламент комиссияси томонидан 5 та грант танловини ўтказилиши тасдиқланган бўлиб, унга 2,6 млрд. сўм маблағ ажратилган. Брифингда Парламент комиссияси ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятига, нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳудуддаги мавқеига, лойиҳани амалга ошириш имкониятига, лойиҳа бюджетининг шаффофлиги, объективлиги ва омиқлигига ҳамда ННТларнинг «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратиши таъкидланди.

Ҳақма оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида ННТлар иштирокига бағишланган 3 та танлов эълон қилиниб, 440 га яқин ННТ лардан 484 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар келиб тушди. Учта танлов натижаларига кўра, Парламент комиссияси энг яхши ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 107 та лойиҳани танлаб олиб, улар учун 1,5 млрд. Сўмлик маблағ ажратиш ҳақида қарор чиқарди.

Йилгилишда Биринчи гранд танлови натижаларига кўра, республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 210 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотининг 252 дан зиёд ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаси кўриб чиқилганлиги қайд этилди. Парламент комиссияси 54 та лойиҳани қолиб деб топиб, улар учун жами 770,7 млн. сўмлик маблағлар ажратиш ҳақида қарор қабул

қилинган. Иккинчи танловда 34 та лойиҳа танлаб олиниб, 486,0 млн. сўмга молиялаштирилди. Учинчи танлов доирасида эса ҳудудларда фаолият кўрсатаётган 78 дан ортиқ фуқаролик институтлари томонидан тақдим этилган 80 га яқин лойиҳа кўриб чиқилиб, 19 та лойиҳа танлаб олинди ва уларга ажратилган умумий маблағ 274,0 млн. сўмни ташкил этди.

Қайд этилганидек, мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ошқоралигини ва омиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, онги ва билимларини оширишга йўналтирилган яна бир танлов эълон қилиниб, унга 152 дан ортиқ мустақил ОАВдан 166 та грант аризаси келиб тушган ва Парламент комиссияси томонидан барча лойиҳалар кўриб чиқилган. Грант танлови мавзулари, асосан, "Мустақкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар, барча турдаги ОАВларнинг аҳоли тиббий-экологик маданиятини ошириш, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда ёш оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жамоатчилик назоратидаги фаолиятини юксалтиришга кўмаклашишга қаратилган.

Журналистлар брифинг доирасида ўзарани кизиқтирган саволлар билан Парламент комиссияси аъзолари ва экспертларга мурожаат қилдирилди. Саволлар асосан грант маблағларидан самарали фойдаланиш, танланган лойиҳаларнинг жамият ҳаёти учун нечоғлиқ муҳимлиги ва бундан кўзланган асосий мақсад, грант маблағлари бўйича мониторинг юритиш масалаларига қаратилди.

**Камалиддин САИДУЛЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

## ● ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУҚУБИ

### Кенг кўламли ислохотлар

МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Журналистларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга оид билимларини янада такомиллаштириш" мавзусига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, идора ва ташкилотларнинг ахборот хизмати ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда "Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши", "Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2012 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари хизматлари кун муносабати билан йўллар байрам табригига журналистлар олдига қўйган долзарб вазифалари", "Мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилган ишлар ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга доир ислохотлар" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингиланди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида юртимизда барча соҳаларда эришилаётган салмоқли ютуқлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда ОАВ алоҳида ўрин тутди. Бу эса ўз навбатида соҳа ходимларидан профессионал билим, савия, маҳорат ҳамда тажрибасини мунтазам ошириб боришни талаб этади. Шунингдек, журналистлар ўз зиммасидаги вазифаларни тўлақонли бажаришда замонавий ахборот воситаларини мукамал ўрганишлари ва улардан самарали фойдалана олишлари мақсадга мувофиқдир.

Сўзга чиққанлар семинарда олган кўникма ва тажрибалари энг улуг, энг азия байрамими — давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллиги арафасида мамлакатимизда кенгаётган демократик ўзгаришлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилишда яқиндан кўмак беришни таъкидладилар.

Жонли мулоқот тарзида ўтган анжуман асосида иштирокчилар ўзарани кизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

## ● ТАШАББУС ВА НАТИЖА

Юртимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида инсон тақдир, қадр-қиммати ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада кучайтириш, юксак маънавиятли, замонавий билимлар эгаси бўлган баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

## Ваколат ва имконият

ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мамлакатимиз демократик тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу Концепция сиёсий партиялар ва улардан сайланган барча даражадаги депутатларнинг ваколат ҳамда имкониятларини янада кенгайтириш билан бирга улар зиммасига алоҳида масъулият юкланди. Эндилликда сиёсий куч сифатида жамиятда мустақкам ўринга эга бўлиш учун партиянинг барча бўғинлари ишини янада кучайтириш, хусусан, электрорат манфаатларини таъминлашда фаоллик ва ташаббускорликни ошириш талаб этади.

Албатта, бу йўналишда самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятига боғлиқ. Шу боис партияимиз Марказий Кенгаши томонидан олдимизга депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор вазифаларни қўйди. Жумладан, жорий йилда ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш", "Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ва "Худудда туризмни ривожлантириш мазмуни ва ечимлар" мавзусини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус-масала сифатида олиб чиқишни депутатлар учун асосий вазифа қилиб қўйди.

Истиқлолнинг илк кунларидан жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу хусусида Президентимиз "Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарор-

лари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур" деб алоҳида таъкидлаган эди.

Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан ҳам жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, партия аъзолари, хайрихоҳлар орасида бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, энг муҳими, партия кадрлари салоҳиятини юксалтириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йил апрель ойида Андижон шаҳрида ташкил этилган "Жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни оширишда ЎзМТДПнинг вазифалари" мавзусидаги ўқув-семинарда партия Андижон вилоят Кенгаши аъзолари, туман, шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари иштирок эттишти. Бундан ташқари ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинар "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланди. Унда қабул қилинган қонунлар ва Давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан депутатлик назоратини ўрнатиш, уларни кизиқтирган масалаларга эътибор қаратиш ва партия электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббуслар билан чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, депутатлик гуруҳимиз ЎзМТДП госяи ва дастурий мақсадлари ҳамда жорий "Мустақкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан жойларда сайловчилар билан

турли учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этмоқда. Жумладан, "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз", "Ватан ичра Ватан — маҳаллам!", "Мустақиллик — ёшлар нигоҳида", "Маҳалла — бетакор ва демократик қадрият", "Шу азиз Ватан барчамизники" номи ўнлаб тадбирлар ўтказилиб, унда партия хайрихоҳлари, ёшлар, электрорат вакиллари иштирок этди. Депутатларимиз ташаббуси билан "устоз-шоғирд" анъаналарини давом эттириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи хотин-қизларни касаначилик билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, меҳнат бозорига эндигина кириб келаётган ёшларнинг банклардан кредит олиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ва шу орқали бандликни таъминлаш юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари киритилиб, ижобий ҳал этилди.

Депутатлик гуруҳимиз ишини тубдан яхшилаш ҳамда электрорат манфаатлари ва партияимиз ёғларидан келиб чиқиб "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш, "Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган Қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ва "Худудда туризмни ривожлантириш мазмуни ва ечимлар" мавзуси халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши сессиясига ташаббус сифатида олиб чиқилди.

Эътироз этиш жоизки, ўтган давр мобайнида Андижон шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилган 5 та масаладан 3 таси партияимиз депутатлик гуруҳи ташаббуси билан амалга оширилди. Хусусан, "Санитария назорати тўғрисида"ги, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назоратини ўрганиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилиб, Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши сессияларида киритилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Юртимизда халқ фаровонлиги, тинчлигини таъминлаш, аҳоли даромадлари барқарорлигига эришиш юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу боис депутатлик гуруҳимиз Давлат дастурлари ижросини ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бажаришга интиломоқда.

Абдуқуддус АБАЕВ, ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари

## ● МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Президентининг жорий йилдаги 17 ва 20-июлда эълон қилинган иккита — "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиби-тамоийиларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айниқса, биз хунармандларни янада руҳлантириб юборди.

## Ишлайдиган давр келди

БУНИНГ УЧУН БАРЧА ТУРДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Чунки бунгача, аниқроғи 1997 йил 31 март, 2005 йил 28 март, 2008 йил 1 апрель, 2010 йил 30 март, 2011 йил 30 декабрда халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш юзасидан Президент Фармонлари қабул қилинган бўлиб, хунармандлар уларга асосан қатъий белгиланган солиқ ва боғжона тўловларидан 2014 йил 1 январгача озод этилган. Юқоридаги Фармонлар ЎзМТДПнинг асосий ижтимоий қатлами ва энг яқин ҳамкори бўлган хунармандлар, мунаввирлар, халқ усталари, оилавий тадбиркорлар ва касаначилар учун ҳам яна бир қанча қўшимча имтиёз, имконият ва шароит яратди.

Эътибор қаратинг, айни пайтда, тадбиркорларнинг 78 фоиздан кўпроғи солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этмоқда. Фақат сўнгги йилнинг ўзида 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ рақамли кўрсатиш, солиқларни ва боғжона мажбурий тўловларни "интер-банкнинг" тизими орқали тўлаш, юкларни боғжонада расмийлаштириш, маҳсулотларни декларация қилиш, "бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларни кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини рўйхатга олиш, ҳатто, тадбиркорларни давво аризалари ва илтимосномаларини ҳўжалик судларига бериш каби ишларни ҳам электрон

лар беришнинг электрон шакллари жорий этилади.

Турмуш тарзимизга замонавий ахборот воситаларининг кириб келиши барча соҳа вакиллари қатори биз тадбиркорлар учун ҳам жуда кўп қулайликларни вужудга келтирмоқда. Шу боис сўнгги йилларда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига ўтказиш бошланди. Бу, аввало вақтнинг, қоғоз ва бошқа кўпдан-кўп харажатларни тежайди. Идора-лараро сарсон-саргардонлик, узун навбат туриб кутиб қолиш ҳолатларига барҳам беради.

Фармонда 2013 йилнинг 1 январидан ана шундай ҳолатларга барҳам бериш, замонавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш ва қулайликлар яратиш мақсадида тадбиркорлар ўз хоҳишларига кўра банк ҳисоб варақаларига масофадан туриб хизмат

Президентимиз фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари, партия аъзолари ва фаоллари зиммасига яна бир катта масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбарининг ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаган, партияимиз электрорати бўлган хунармандлар, касаначилар ва оилавий тадбиркорлар манфаатларини ўйлаб эълон қилинган фармонларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришимиз, турли даражадаги депутатларимиз воситасида кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишимиз лозим бўлади.

да бир марта статистик ҳисобот тақдим этадилар.

Биз хунармандларнинг ҳам бир пайтлар фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олишда тўсиқ ва муаммоларга дуч келганимиз, сон-саноксиз ҳужжатлар тўплайман деб овораю сарсон бўлганларимиз, идорамандорлар юрганларимиз сир эмас. Айрим лицензия ва рухсатномаларнинг амал қилиш муддатининг ниҳоятда қисқалиги, кўп ўтмай уларни янгилаш учун яна шунча вақт ва қоғоз сарфланиши оддий хол эди. Фармонда жорий йилнинг 1 августидан лицензиялар амал қилиш муддатини чекланмаган ҳолда берилиши, аввал берилган лицензия ва рухсатномаларнинг амал қилиши муддатларини чекланмаган деб ҳисобланиши тадбиркор хунармандларнинг кўнглини дағди қилди. Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридagi ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимлар миқдори камида икки баробар арзонлаштирилади. 2012-2016 йиллар мобайнида лицензия ва рухсатномалар олиш учун ариза-

шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Энг муҳими, айниқса, қишлоқда фаолият кўрсатаётган хунармандлар, касаначилар ва оилавий тадбиркорлар туман ёки вилоят марказига ойма-ой катнаш ташвишларидан буткул озод бўладилар ва бунинг учун кетадиган вақтларини фойдали ишга сарфлайдилар.

Президентимиз фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари, партия аъзолари ва фаоллари зиммасига яна бир катта масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбарининг ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаган, партияимиз электрорати бўлган хунармандлар, касаначилар ва оилавий тадбиркорлар манфаатларини ўйлаб эълон қилинган фармонларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришимиз, турли даражадаги депутатларимиз воситасида кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишимиз лозим бўлади.

Баҳодир ДАВЛЕТОВ, «Хунарманд» уюшмаси Хоразм вилоят бўлими раиси, ЎзМТДП аъзоси

# МАЪНАВИЯТ

● ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

## Миллий боғ санъати

АЖДОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА МЕРОС

*Халқимиздаги "Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ" деб айтилаётган нақл беиз пайдо бўлган эмас. Негаки, инсон яратилибдики, ўзидан яхши ном, яхши амал ёки яхши бир из қолдириб кетишни мақсад қилиб яшайди. Шу боис, ҳар бир даврда ўзига хос бунёдкорлик ишлари амалга оширилган, боғ-роғлар барпо этилган. Хусусан, бобомиз Соҳибқирон Амир Темур даврида барпо этилган боғлар бунга яққол мисол бўла олади.*

боғлар муайян режа асосида барпо қилинган бўлиб, гул ва дарахтлари аниқ тартиб билан ўтказилган. Боғлар, асосан, тепалик бағрида зинапоясимон қилиб барпо қилинган. Иккинчи тоифадаги боғлар эса қўриқхонага ўхшаш бўлиб, асосан, табиий дарахтзорлардан иборат бўлган. Боғлар меъморий дид билан барпо этилган. Айрим боғлар атрофи девор билан ўралган, дарвозалари равоқи қилиб ишланган ва қосин билан безатилган. Девор бурчакларида кичик-кичик минора-гулдасталар бўлган.

Бизгача етиб келган "Иршод аз-зинов" деҳқончилик илмига оид рисола XVI аср бошида Хиротда ёзилган бўлиб, унда Темурийлар даври тажрибаси умумлаштирилган. Рисоланинг алоҳида бир бобида чорбоғ — тўрт қисмдан иборат боғни барпо қилиш қоидалари баён этилган. Бобнинг номи — "Кўчат, гул, дарахт, муаттар ўтлар ўтказиш, чорбоғга тартиб бериш ва уни барпо қилишда изчиликларга риоя қилиш", деб номланган. Унда бино ёки саройни боғнинг жануб томонида қуриш зарурлиги, тенг томонли ёки тўрт бурчакли қилиб режалаштирилган боғнинг атрофи девор билан ўралиши, ичкари томондаги девордан бироз чекиниб ариқ олиниши айтилган. Ариқ бўйлаб девор тарафига оқ терак, боғ тарафига эса гулсафсар экилган. Ариққа ёндош қилиб йўлак қилинган. Ундан ичкарироқда навбат билан, аввал, ўрик кўчатлари, кейин қизғиш гулдайдиган шафтоли экилган, ундан сўнг тоқор тикланган. Чорбоғнинг ўртасидан катта ариқ оқиб ўтган, ундан олинган сув сарой биноси элдидида катта ховузга қуйилган. Ховуз атрофи бўзоч, гулсафсар, гулраъно каби манзарали ўсимликлар билан безатилган. Катта ариқ бўйлаб, икки ёқлама йўлак олинган. Йўлакларнинг ҳар икки тарафидан тўрт бурчакли майдонлар ва майсазорлар ўрин олган. Биринчи майсазор-майдонга, асосан, ток, иккинчисига беҳи, учинчисига шафтоли, тўртинчисига ноқ кўчати ўтказилган. Хар бир кўмба — шакл берилган гулзор тартиб билан экилган. Аввал, гулсафсар, атиргул, наргиш, кейинги боғда тоғ лоласи, сариқ бинафша, ундан сўнг хитой лоласи, гулдулов экилган. Гуллар шундай танланган ва тартиб билан экилганки, улар эрта баҳордан то кеч кўзгача навбат билан гуллаб турган. Бинолар атрофига чинор ва бедона туг, уйнинг шарқ тарафига уйга

яқинроқ қилиб олча ва гилос, шимолга қараган олд томонига қизил салла гул экилган. Шунингдек, оқар сув билан боғлиқ қурилмалар — ариқ ва ховузларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ховузлардан биттаси катта, қолганлари турли ҳажм ва шаклда, айримлари ўртасида фаввора бўлган. Зинапоясимон боғларда эса шаклга мос поғонали шаршалар ҳосил қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳашаматли боғ-қароғохлар барпо қилишга алоҳида аҳамият берилган. Соҳибқирон даргоҳидаги аҳли дониш ва уламолар орасида юксак ҳурматга сазовор бўлган, кўкаламзорлаштириш соҳаси бўйича билимдон мутахассис Шаҳобиддин Аҳмад Зардоқийга ишонган, у билан ҳамфикр бўлган. Бундан ташқари, Соҳибқирон Амир Темур меъморчилик ва боғдорчилик илмига эга бўлган тажрибали зотларни ҳам хузурига бот-бот чорлаб, улар билан иншоот қуриш, чорбоғлар барпо этиш юзасидан маслаҳатлаштирилган. Масалан, "Боғи нав"ни барпо қилиш учун Дамашқдан турли сув иншоотлари - фаввора, ховуз ясайдиган моҳир ва хос усталарни қайқиртирган. Манбаларда қайд этилишича, ўша даврда кўп ҳолларда боғ барпо этиш учун обод ва мос жойлар танлаб олинган, кейин ўша жойга режа асосида ишлов берилган. Масалан, "Боғи Дилқуш" аввалдан мавжуд бўлган ўн иккита кичикроқ боғнинг бирлаштириш натижасида барпо қилинган. Боғларнинг эски деворлари бузиб ташланиб, дарахт ва бошқа ўсимликларга муайян тарх асосида тартиб берилган. Ортиқча дарахтлар кесиб ташланиб, зарур бўлган жойларига янги кўчатлар ўтказилган.

Мустақиллигимиз шарофати билан аждодларимиздан мерос бўлиб келадиган ана шундай миллий ва қадимий анъаналар тамомилан янги қиёфа - мазмун, моҳият ва шаклда қайта бунёд этилмоқда. Бунга пойтахтимиз, вилоят ва туман марказлари, ҳатто кишлоқларимизга гача барпо этилаётган турли-туман боғлар, йўлаклар, фавворалар, гулзор боғ-роғлар яққол мисол бўла олади. Демак, анъаналар барҳаёт, илдиэларимиз теран, келажакимиз порлоқ.

**Зубайдулла ИБРАГИМОВ,**  
Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси мудири



## Биз навқирон ёшдамыз, юртдош!

*Йигирма бир ёш арафасида турган йигит-қизни ҳеч қузатганмисиз? Яхшилаб эътибор бериб қаралса, уларнинг чақноқ кўзларида нури келажакка интилишни, улкан марралар сари тикилган ўткир нигоҳни кўриш мумкин. Қадмларида ишжосат, ўзига бўлган ишонч, сўзларида қатъият акс этган бўлади, бундай ёшларнинг. Зеро, йигирма бир ёш — навқиронлик, катта ҳаётга қадам қўйиш палласи ҳисобланади.*

Бугун биз чин маънода 21 ёшдамыз. Озод ва ҳур диёримиз, тинч ва фаровон халқимиз, истиқболли порлоқ Ватанимиз 21 ёшда. Бундан роплароса йигирма бир йил аввал карвоннинг босиб ўтган йўлига 21 йил тўлмоқда. Дунё ҳамжамияти нималарга қодир эканлигимизни гувоҳига айландингиз бу давр мобайнида... Узоқ сафарга чиққан карвон йўл давомида турли тоифадаги миллату элатларга дуч келади. Улар ичиде ўзи сингари мақсад ва матлаби эзгу, қарашлари ҳамоҳанглари учратса-да, карвон йўлини тўсиб, талатўп қилувчилар ҳам дуч келиши, табиий.

Мустақилликка эришган илк кунларимизданок, эрк ва хуриятимизга ҳавас қилганлар қаторида ҳасад оловида ёнаётган кимсалар ҳам кам бўлгани йўқ. Улар ўзларининг чиркин ниятлари билан соддадил халқимиз орасига турли низолар солишга, бу билан ўзаро уруш, биродарқушлик оловини авж олдиришга уришиб кўришди. Тошкентдаги машъум «16 фев-

раль воқеалари», 2005 йилнинг 13 майида Андижонда содир этилган хунрезликлар, шулар жумласидан.

Ўз кучига, қудратига, келажакига ишонган халқ ҳеч қандай таҳдид, таъйиққа бўйсунмайди. Оқдан қорани, яхшидан ёмонни фарқига яхши борган халқимиз қайси йўл тўғрию, қайсиниси эгри эканини шукрки, ажрата олди. Ёмон ниятли кишилар, ҳарчанд уризмасин эркимизга даҳл қилма олмади.

**«Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олди-га эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида уртак натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз».**

Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида келтириб ўтилган ушбу фикрлар ҳаётини ҳақиқатга айланиб улгурди. Аввало, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш бош мақсад ҳисобланган мамлакатимизда қисқа муддат ичиде оламшумул ишлар амалга оширилди.

Айниқса, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларимиз ўртасида ҳуқуқий онгни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди. Зеро, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қанчалик юқори бўлса, инсонлар ўртасида қонунларга ҳурмат тўғриси ҳам шунча кучли бўлади. Ҳуқуқий тафаккур, таълим-тарбия ривожланмаган муҳитда эса, турли қонунбузарликлар, жиноятчиликлар юзага келаверади. Шу боис ҳам бугун ҳуқуқий саводхонликни ошириш масаласи давлат аҳамиятига молик вазифалардан бирига айланди.

Ўтган давр мобайнида фуқароларимизда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий таълим-тарбияни оширишга катта эътибор қаратилди. Бу борада қатор қонунлар, фармонлар, қарорлар, Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Хусусан 1997 йил 25 июнда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармон, 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мазкур соҳа ривожига муҳим

дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тинчлик — олий неъмат. Уни кўз қорачигидек асраш, қадрига етиш лозим. Зеро, тинч ва фаровон юртдагина хотиржамлик, қут-баракат бўлади. Бундай заминнинг халқи ҳар тонгни байрамлару, тўй-томоналар билан қарши олади.

Шу нуқтаи-назардан истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданок Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминловчи замон талабларига мос, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамил, замонавий қурол-ярғо ва техникага эга миллий армиямизни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун ҳар қандай синовларни энгиб ўтишга қодир, бутунлай янгица асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларимизни ташкил эта олди.

Ана шу тинчлик ва осойишталик посбонларининг сергаллиги, ишжосати, ҳарбий маҳоратни пухта эгаллаб бораётгани туфайли она юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо.

Тинч элга ярашар, байрамлар! Истиклол туфайли ўзлгимиз, урф-одатларимиз, миллий байрамларимиз қайтиб келди. Собик шўролар даврида «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш», «Йиди Қурбон», «Йиди Рамазон» ҳайитлари каби байрамларимиз деярли йўқ бўлиб кетган, бундай маросимларни нишонлаш ҳудди оғир жиноят қилишдек ҳақ эди, гўё. Бугун эса, юртимиздаги байрамларнинг энг нуфузлилари, катта хурсандчилик билан нишонланадиганлари айнан шулардир.

Ёшлар эртамиз эгалари, истиқлолимиз бунёдкорларидир. Бугун юртимизда ёш авлодга яратиб берилаётган имкониятлар хусусида кўп ва хўп галерилмоқда, кўриб гувоҳига айланмоқдамиз. Чиндан ҳам барқамол авлод тарбияси асосий вазифалардан бири ҳисобланган мамлакатимизда уларнинг камолоти учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилдики, бу ҳам бўлса, истиқболли нурафшон юрт ҳам томонлама барқамол авлодга насиб этсин. Шундагина унинг бугунги мавқеи келажакда ҳам муносиб бўй кўрсата олади.

Улуғимсан, Ватаним! Дунё деб аталмиш бу қурраи-заминда тирик мавжудод борки, ҳар бири ўз маконига, бошпанасига эга. Ана шу бошлана — улар учун Ватан. Шу маънода биз туғилиб ўсган Юрт, киндик қонимиз тўқилган тупроқ — Ўзбекистон. Бу — бизнинг Ватанимиз. Бугун ана шу онамиз сингари меҳрибон, отамиз каби гамаҳур, ака-синглимиз қатори суюкли Ватанимиз 21 ёшда. Демакки, унда истиқомат қилаётганлар ҳам навқирон ёшда. Навқирон ёш муборак, юртдошлар!

**Баҳодир МУМИНОВ,**  
журналист,  
ЎЗМТДП аъзоси

● НАШР

## “ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ва инсон ҳуқуқлари”

ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ БОСМАДАН ЧИКДИ

*Журналининг “2012 йил — Мустаҳкам оила йили” руқиде Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўришо Мустафоевнинг “Мустаҳкам оила — жамият барқарорлигининг асоси”, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Хожабой Қобуловнинг “Оила мустаҳкамлиги — мустақил давлат, очиқ демократик жамият ва суд ҳимоясида”, Қўбрай академик лицейи директори, юридик фанлар номзоди, доцент Раъно Турдубоевнинг “Ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оиланинг роли” номли мақолалари ўрин олган.*

Жорий йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганга 20 йил тўлади. Журналда юридик фанлар доктори, профессор А.Саидовнинг “Мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистоннинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори” деб номланган мақоласи ана шу санага бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган “Мам-

мини ислоҳ этишининг истиқболлари” номли мақоласида ёрқин акс этган.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби Ламберто Заннининг “Ўзбекистонда ЕХХТ: инсон манфатлари йўлида ҳақиқий иш” мақоласида мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақасида турган ўрни, минтақа хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлари ва ЕХХТ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар хусусида сўз боради.

Журналининг янги сониде халқаро ҳуқуқ масалаларига доир туркум мақолалар берилган. Тошкент Давлат юридик институти стажёр-тадқиқотчиси Х.Абдурахмоновнинг “Халқаро хусусий ҳуқуқда фарзандларнинг ота-онасига нисбатан алимент муносабатларини тартибга солиниши”. Тошкент Давлат юридик институти тадқиқотчиси С.Юлдашевнинг “Хорижий мамлакатлар жиноят қончилигида одам ўғирлаш



жинояти учун жавобгарлик”, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде доценти, юридик фанлар номзоди Х.Юнусовнинг “Трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишининг халқаро ҳуқуқий масалалари” мақолалари ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, “Инсон ва ҳуқуқ”, “Жаҳон адабиёти хазинасида” ва “Сиртки ҳуқуқий маслаҳатхона” руқидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, Гёте ижоди ва ҳаёти, иш берувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий сугурталаш шартномаси бўйича ҳуқуқий қўллаш амалиёти ҳамда доимий прописка қилиш тартиби ҳақидаги мақола ва тадқиқотлар ўрин олган.

Ўз муҳбиримиз

● 2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

## Оилавий тадбиркорлик ривожини йўлида

*Ўзбекистон Ногирон тадбиркор аёллар миллий ассоциациясида “Ижтимоий ҳамкорлик: оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти” мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур давра суҳбатида тегишли вазирлик ва идоралар, адлия, банк-молия ва инсон ҳуқуқлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари катнашди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар ўқимтаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисининг ўринбосари Н.Миролидова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг барча қатламлари, айниқса ижтимоий кўмакка муҳтож ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши, меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларини яратиш масаласи дои-

рий эътиборда эканини таъкидлади. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида алоҳида эҳтиёжли оилаларга ҳамжамиятликни янада кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларига кенг йўл очиб, меҳнат бандалигини таъминлашга доир ишлар кўлами янада ортди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Ногирон тадбиркор аёллар миллий ассоциацияси билан биргаликда жисмоний имконияти чеklangан хотин-қизларнинг ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш учун ақиндан кўмаклашиш, касаначиликни ривожлантириш, мазкур йўналишдаги жамоат ташкилотлари мутахассисларининг билим ва маҳоратини юксалтириш юзасидан бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтининг муҳим бўлиши - маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам кенг жалб этилмоқда.

— Маҳалламиздаги махсус ўқув курсларида табиий, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар барча аёллар пазандалик, чеварлик, гиламдўзлик, зардўзлик сингари машғулотларга қатнаб, касб-хўнар ўрганиб, ўз хусусий тадбиркорлик ишини очмоқда, - дейди Яққасарой туманидаги “Ўрикзор” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маррифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунира Усмонова. — Шу билан бирга фарзандларининг жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган аёллар ўртасида ҳам тадбиркорлик, касаначиликни йўлга қўйиш, уларнинг уй меҳнати билан шугулланиши учун зарур шароитларни яратиш, иқтисодий, ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатиде жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлар учун солиқ тизимидаги имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш механизми, оилалар фаровонлигини оширишда имтиёзли кредитларнинг аҳамияти каби масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

**Назозат УСМОНОВА,**  
Ўз муҳбири

# ЖАРАЁН

● **ТАЪЛИМ**



## Бўлажак мутахассислар салоҳияти

**УСТОЗЛАР МАҲОРАТИГА ҲАМ БОҒЛИК**

жалари дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар билан таъминланганлиги, ўқитувчиларнинг тақвим иш режалари, дарс режалари, маъруза матнлари, тўғарак машғулоти, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчиларимиз ўқувчиларга таълим тарбия бериш билан чекланиб қолмай, уларни турли маънавий тадбирларга ҳам жалб этишади. Бунинг натижаси ўлароқ, ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтаётди. Исмоил Эломуродов, Иқлима Ибрагимова,

Сарвиноз Абдурасулова, Бердимурод Номозов, Нормурод Шарапов, Жамол Жўраев сингари маҳоратли ўқитувчиларимиз бу борада бошқа ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда. Ўтказилаётган турли тадбирлар ўқувчиларнинг маънавий юксак, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлишга ҳисса қўшиши, шубҳасиз, "Гийҳандлик — иллат", "Чекиш инсон ҳаётининг кушандаси", "Чекишнинг ёш организмга зарари", "ОИТС — аср вабоси", "Оила — муқаддас даргоҳ" мавзуларида давра суҳбатлари,

учрашувлар ва кечаларнинг ўтказилиши ҳам қўлланган натижаларни бермоқда. Айниқса, ушбу тадбирларга мутасадди ташкилот, корхона ва муассаса вакиллари, кекса онахон ва отахонлар таклиф этилмоқда. "Баркамол авлод" спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ва бир қатор кўриктанловларда ўқувчиларимиз ижобий ютуқларни қўлга киритмоқда. Бухгалтерия ҳисоби, компьютер тармоқларини ўрганиш, тикув ва тикув трикотаж, ўсимликшунослик ва чорвачилик, фермер хўжаликлар

рени ташкиллаштириш, қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозлар ишлаб чиқариш технологияси, транспорт воситалари ва таъмирлаш, ветеринария йўналишларида таҳсил олаётган ёшларимиз учун коллежимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Биз устозлар учун уларнинг эзгу мақсадлари амалга оширилганини кўришдан улуг бахт йўқ.

**Толиб МАЛЛАЕВ,**  
**Пастдарғом агросаноат касб-хунар коллежи директори**

# Сиҳатгоҳлар

**ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ**

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаб-хунар Федерацияси Кенгашининг "Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда дам олдирish ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишга тизимли янги ёндашув натижалари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

лаб чиқилган "Касаба уюшмалари тизимидаги санаторий-курортлар фаолиятини ривожлантириш" концепцияси бу борадаги ишлар сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ходимларнинг билим ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Чинобод", "Турон", "Умид гулшани", "Ботаника", "Бўстон", "Оқ тош" санаторийлари ходимлари тўлиқ аттестациядан ўтказилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
**Ўзбекистон касаб-хунар Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари:**

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида 500 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлни имтиёзли соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача улардан 200 нафарга яқини дам олиб, даволанишди. Бунинг учун 80 млн. сўм сарфланди. 51 та ёш оиланинг саломатлиги мустаҳкамланди. 117 та оила "Умид гулшани" санаторийига бепул йўлланма билан таъминланди. Соғломлаштирилиши режалаштирилган 1000 нафар ёш она ва боладан 597 нафар она ҳамда 889 нафар бола соғломлаштирилди. Ушбу мақсад учун 540 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи оилаларнинг 2200 нафар вакили имтиёзли равишда тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бу йилги мавсумда Республика миқёсида 900 га яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, шу жумладан, 215 та спортлар турдаги ва 800 дан ортиқ мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари қошидаги кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилиб, уларда 240 минг нафардан зиёд бола дам олдирилди. Бугунги кунда мавсум давом этмоқда. Мавсум якунига қадар олувчи ўғил-қизлар сони 265 минг нафардан ошади. Бунинг учун 23,1 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган.

**Эркин ДОРИПОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● **СПОРТ**

## Ишонч ишончни уйғотмоқда

*Мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортга берилаётган юксак эътибор туфайли бугун спорт пиллаояларидан дадил одимлаб бораётган ёшлар жуда кўп. Улар орасида жаззакхлик Ирода Исломова ҳам бор. У етти йилдан буён спортнинг сузиш тури билан шуғулланиб келмоқда. Шаҳардаги 1-умумтаълим мактабининг 8-синфида тахсил олаётган ёш спортчи ҳозирда қатта талабаларни қўлга киритиб келмоқда.*

— Илк бора сузиш ҳавасига келганимда ҳали кичкина қизалоқ эдим, - эслайди Ирода. — Сувдан жуда кўрқардим. Машқларни бажаришга киришганимда ўзимни худди денгизга тушиб қолгандек ҳис қилардим. Секин-секин кўрқув ҳиссини енгиб, ўзимга бўлган ишончим орта бошлади. Даставвал шаҳар миқёсидаги мусобақаларда иштирок этган бўлсам, кейинчалик республикамизнинг турли вилоятларида ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашдим. Ҳозирги кунда устоз Мураббий Файрат Султонов қўл остида вилоят касаб-хунар уюшмалари спорт жаҳиятига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сузишнинг сир-асрорларини пухта ўрганаётганман.

Дарҳақиқат, болалиқда қуртак отган илк қизқишлар Иродани галабалар сари етаклади. Шаҳар, вилоят миқёсидаги мусобақаларидан сўнг, Самарқандда бўлиб ўтган республика чемпионатида иштирок этиш унинг хаёлига ҳам келмаган эди, ўшанда. 2009 йил Сирдарёда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаси эса спортчи қизнинг галабага бўлган интилишларига қанот бахш этди. Ташкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзи очик чемпионатида биринчи ўрин, Навоийда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари - 2012" спорт мусобақаларида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

— Узоқ йиллардан буён спортнинг сузиш тури бўйича мураббийлик қилиб келаман, - дейди сузиш бўйича мураббий Файрат Султонов. — Ҳар гал шогирдларимни мусобақаларда голиб бўлишганини кўриб, меҳнатларим самара бераётганидан фахрланаман. Уларнинг ютуқлари нафақат ўзларининг, балки оила аъзолари ва вилоятимиз учун ҳам шараф



эканлигини доим таъкидлаб келаман. Иродадон ўта тиришқоқ, ўз устида кўп ишлайдиган, шу билан бирга, аъло хулқи шогирдларимдан бири. Мураббий сифатида унинг келажаги порлоқлигига, ҳали қўлпаб ютуқларга эришишига, юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришига ишончим комил.

— Келажакда орзуларим кўп, - дейди Ирода. — Қайси касб эгаси бўлишимдан қатъий назар ҳаётимни спорт билан чамбарчас боғлашга қарор қилдим. "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларида голибликни қўлга киритиш, нафақат республика, балки Осиё ва Жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, Президентимизнинг биз ёшларга билдирган ишончларини оқлашга ҳаракат қиламан. Зеро, давлатимиз раҳбарининг "Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонман", деган сўзлари биз спортчи ёшларга куч ва файрат бағишлади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● **ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ**

*Мамлакатимизда ёшларга берилаётган катта эътибор, истеъдод ва қобилиятларини амалда намойиш этиш учун яратилаётган шароитлар Жиззах давлат педагогика институтини талабаси, Улугбек номидаги давлат стипендияси соғирдорли Алишер Сафаровга ҳам таянч ва қанот бўлмоқда.*

## Истиқлолнинг бахтиёр фарзанди

Жумладан, 2010 йилда Фонд Форум ва "Келажак овози" ЕТМ томонидан ўтказилган "Бизнес лойиҳалар" танловида муваффақиятли иштирок этган Алишер "Энг яхши бизнес лойиҳа эгаси" деб топилди ва 10 млн. сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди. Айни пайтда Муҳриддин Абдуллаев, Мухаммад Маллаев билан биргаликда "Анорнинг умумбиологик хусусиятлари ва ишлаб чиқаришдаги татбиқи" номли қўлланма устида иш олиб бормоқда. Қолаверса, ёш биолог "Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўчатчиликнинг ўрни ва истиқбол лойиҳаси", "Биологияни ўқитишда педагогик технологиялардан амалий машғулотлар", "Тоғли худудларда боғдорчилик ва сунъий ўрмонлар яратиш агра-техникаси" номли рисола ва услубий қўлланмаларини чоп этишга ҳам улгурди.

— Жиззах воҳаси аграр со-

ҳага ихтисослашган худудлардан саналади. Лекин вилоятда дарахт кўчатларини етиштириш тизими деярли ривожланмаган. Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши доимо қизқарли жараён. Устозларим кўмагида кўчатлардаги ана шу жараённи босқичма-босқич кузатиш, худудшароитига мослаштириш ишларида бевосита шу каби қўлланмаларни яратиш истаги пайдо бўлди.

Изланишлардан олинган натижа ёш тадқиқотчи учун кичик бир кашфиёт билан баробар. Алишер устози — биология фанлари номзоди Лола Санаева билан тинимсиз изланишлар олиб боради. Унинг бераётган амалий кўникма ва тавсияларига амал қилиб кам бўлаётгани йўқ. Алишердаги қатъият, фанни чуқур ўрганишга бўлган ҳавас, ўқиб-изланишдан чарчамаслик, ҳар бир машғулотга жиддий ёндашиш унинг ютуқларида акс этмоқда.

Дарвоқе, "Интилганга толе ёр" дейдилар. Жорий 2012 йил ёш истеъдодга бир қатор ютуқларни олиб келди. "Зомин давлат кўплигида фидойи ва заҳматқаш устозларнинг меҳнати катта. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, етуқ мутахассис кадрлар тайёрлашга берилаётган давлат эътиборидан далолат беради. Бундай ёшлар мамлакатимиз эртасининг муносиб ворислари бўлажак.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● **АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

## Компьютерчилар беллашуви

*"Ўзбекистон маданияти ва сивати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ўтказилаётган компьютер ўйинлари мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.*

Мусобақада "FIFA — 2012" ўйини бўйича шахсий ҳамда "Counter Strike" бўйича жамоа-

вий беллашувлар ўтказилди. Нукуслик Рустам Ержанов "FIFA — 2012" ўйинлари бўйича голиб деб

топилди. "Counter Strike" баҳсларида эса "Экстрим" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Тадбир доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида савол-жавоб ўйинлари ўтказилиб, турли номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**  
*Р.А. мухбири*

● **ҲУҚУҚ ВА БУРЧ**

*Истиқлол йилларида юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, вояга етмаган ёшлар билан боғлиқ қонунчиликни кучайтириш масалалари доимий эътиборда.*

## Вояга етмаганлар доимий муҳофазада

Жумладан, вояга етмаган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш базаси яратилди. Шу билан бирга "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь)ни ратификация қилиш ҳақида" ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойи-лининг чоралар тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилинишини айтиб ўтиш мумкин. 2008 йилнинг 12 сентябрида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 207-сон қарори билан юқоридаги конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси тасдиқланди. Мазкур қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида балоғат ёшига етмаганларни ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши 15 ёш қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра вояга етмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғига, ҳавфсизлигига ёки одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ерости ишларида фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ кўп кўтариши ва ташишига йўл қўйилмайди.

Вояга етмаганлар меҳнат муносабатларига доир қонун ҳуж-

жатларининг такомиллаштириб берилаётганига 2010 йилнинг 1 февралидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига киритилган қўшимчалар ҳам далил бўла олади.

Вояга етмаганларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашда бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилишда туманимизнинг Давлат шу соҳа мутасаддилари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Қолаверса, ҳаётий тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҚФЙ ва МФЙ оқсоқоллари юқорида қайд этилган қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашда оқсоқликка йўл қўйишмоқда. Бундай камчиликларнинг юзга келишига кўп ҳолларда айрим раҳбарларнинг қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар талабларини билмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу каби ҳуқуқий беҳабарликка чек қўйиш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган режавий топшириқлар асосида туманимиздаги узоқ қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари сафарлар уюштириб, жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини мунотазам равишда амалга ошириб келмоқдамиз.

**Н.ТОШЕВА,**  
**Миришкор туман ФХДё мудири**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## БИЗНИНГ ШАРҲ



## Полимер халтачалар

**Бундан 30 йиллар муқаддам ҳаётимизга кириб келган пластмасса буюмларисиз бугун кундалик турмушимизни тасаввур этиши қийин. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйича асосан нефть маҳсулотларидан тайёрланадиган полиэтилен пакетлар йилига 500 миллион-1 миллиард донагача ишлатилади. Бу 18 миллион литр нефть маҳсулотни демалди. Дунё бўйича ташланаётган 6 миллион 300 минг тонна чиқиндининг асоси ҳам айнан шу пластик моддалардир.**

Олимларнинг фикрича, мазкур пластик моддаларнинг экология, атроф-муҳитга таъсири катта. Унинг таркибиде хлор асосидаги поливинилхлорид моддаси мавжуд бўлиб, ўзидан янада захарли водородхлорид чиқаради. Шу жиҳатдан мутахассислар пластик қадоклардаги озиқ-овқат маҳсулотларини илжи борича бир маротабадан ортиқ фойдаланмасликни тавсия этишади. "Баклажка" дея аталувчи идишлар полиэтиленрефталатдан тайёрланади. Агар тайёрлаш технологиясида бузилишларга йўл қўйилса, таркибидеги захарли моддалар "баклажка" да қолиб, инсон соғлигига зарар етказиши мумкин.

Полиэтилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, инсоният бундан 50 йилгача қараганда 20 барабар кўп чиқиндиларни ҳосил қилаётди. 1990 йилларнинг охирида Тинч океанида баҳайбат чиқиндига бой сувзучи орол кашф этилди. У асосан пластикдан ишланган футбол тўплари, байдарка қайиқлари, "Lego" учбурчаклари ва целлофан пакетларидан иборат бўлган. Кўча чиқинди-

нинг оғирлиги тахминан 3,5 миллион тоннадан ошаркан. Ҳатто, Антарктидада ҳам полиэтилен халтачаларидан иборат чиқиндилар уюмига дуч келинган. Афсуски, мазкур буюмларни қайта ишлаш ёки зарарсизлантириш борасидаги ишларни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. 45 фоизи турли ахлат чиқиндилари билан бирга кўмиб ташланади. БМТнинг табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан тайёрланган ҳисоботда таъкидланишича, ҳар йили парчаланиб йўқ бўлиб кетмайдиган, аксинча, ёнган пайтда ўзидан CO<sup>2</sup> чиқарадиган пластик чиқиндилар касридан 1 миллионгача қушлар, 100 минггача денгиз мавжудотлари ва ноёб бадиқлар қирилиб кетмоқда. Ҳатто, яшил денгиз тошбақалари ҳам полиэтилен пакетдан юрак ховучлаб четлаб ўтади. Қизил денгиздаги бадиқлар илжи борича пластик материаллардан ишланган буюмларнинг орасидан тезроқ сузиб ўтишга ҳаракат қилади. Қузатувчилар пластикли "суяқ

шўрва" Тинч океанининг қарийб 15 миллион квадрат метр майдонини қамраб олганига гувоҳ бўлишган.

Ҳар йили Европа Иттифоқи мамлакатларида 4 миллиард донадан ортиқ полиэтилен халтачалардан фойдаланилади. Бундан ташқари 800 минггача бир марталик пластик пакет ҳам ишлатилади. Еврокомиссия тарқатган маълумотларга кўра, 2010 йилда шу ҳудудда яшовчи фуқарога йилига ўртача 191 тадан ана шундай маҳсулот тўғри келган. Италия мазкур ҳажмиёти ҳудудда биринчи бўлиб бир марталик пластик пакетларни ишлатишдан воз кечди. Бир пайтлар Апеннин ярим оролида йилига 20 миллиард донагача халтачалар ишлатилган. Энди харидорларга фақат матодан тикилган, қоғози, хуллас иккиламчи ашё сифатида ишлатиладиган халталар, сумкалар тақлиф этилмоқда. Яқин-яқингача минглаб неаполикларнинг тинчини бузган "чиқинди инқирози" маҳаллий жиноий тўдаларнинг чўнтагини қаппайтиришга хизмат қилгани тайин. Маълумотларга кўра, 1988 ва 1998 йилларда Бангладешда дренаж тизимларида тикинлар пайдо бўлаётгани туфайли сув тошқинлари кўпайиб, минглаб одамлар табиий офат қурбонига айланди. Маҳаллий ҳукумат фалокатларнинг асосий сабабчиси полиэтилен маҳсулотлари эканини аниқлаб, унинг ишлатилишини таъқиқлаб қўйди.

Ҳўш, экологик нуқтай назардан зарарли, аммо рўзғоримизнинг ажралмас қисмига ай-

ланган полиэтилен маҳсулотлардан қандай ҳимояланиш мумкин?

Масалан, Ирландияда 2002 йилнинг март ойидан бошлаб, ҳар бир пакет учун 15 евроцентдан қўшимча солиқнинг жорий этилиши 90 фоиз харидорларнинг муддатсиз фойдаланиладиган рўзгор халтачаларига ўтишини таъминлади. Орадан 5 йил ўтгач, солиқ миқдори яна 30 евроцентга оширилган, унинг таъсири тагин сезилди. Солиқдан тушган 75 миллион евро миқдоридеги даромад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамғармаси ва чиқиндиларни камайтириш ҳамда утилизациянинг янги усуллари яратиш устида олиб борилаётган тадқиқотга сарфланди. Бундай ўзига хос тажриба Бельгия, Швейцария, Германия, Испания, Норвегия ва Нидерландия мамлакатларида ҳам кенг қўлланила бошланди. Британия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги томонидан олиб борилган тадқиқотлар шундан далolat бердики, пластик пакетдан 4, ип-газламадан тўкилган матоли халтадан эса камида 130 мартаба зарур юмушларни битириш мумкин.

Ҳозир АҚШда асосан қоғоз пакетлар русум бўлган. Африкадаги Руанда мамлакатининг минглаб аҳолиси ўз қимматли вақтини аямай бир иш кунини "шанба"ликка сарфлаб, кўча-кўйларни пластик пакетлардан тазалашади. Шу жиҳатдан пойтахт Кигали Африка қитъасининг бошқа шаҳарларига нисбатан тозаллиги, кўчалар ёки дараклар полиэтилен халтачалардан холи эканига кўзингиз тушади. Расмийлар дарё ва кўллари турли чиқиндилардан тазалашга уринаётган, унинг мусаффолигини сақлашга ҳаракат қилаётган бир пайтда маҳаллий тижоратчилар қадоклаш материаллари тақчиллиги туфайли бозоримиз касод бўла-япти, дея нолишади. Улар бу борада Япониядаги янгиликдан намуна олишса арзийди. Кунчиқар юрда замонавий экология тимсолига айланган экосумкалар харидорлиги билан ажралиб туради. Дунёга донги кетган Кира Найтли, Сара Жессика Паркер, Карл Лагерфельд ва бошқаларнинг суратлари туширилган бу сумкаларни яқинларингизга ҳам совға қилиш мумкин. Эътиборлиси шундаки, экосумкани тайёрлаш ёш болаларнинг ҳам қўлидан келади. Ундан фойдаланаётган ҳар бир киши атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Яқинда ушбу юрт олимлари томонидан яроқсиз полиэтилен пакетлари ва идишлардан ёнилги ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Унга кўра, синтетик нефтдан турар-жойларни иситишда фойдаланиш мумкин. Иктиричиларнинг айтишича, 1 килограмм пластик материалдан шунча миқдорда бензин

тайёрласа бўлади. Бунинг учун 1 киловаттсоат электр қуввати сарфлашга тўғри келади. Тўғри, АҚШнинг Колумбия округига қарашли Вашингтон шаҳрида ҳам шунга ўхшаш қурилма мавжуд, лекин у жамоа учун мўлжалланган. Япон мўъжизаскорининг кашфиёти хусусий уй — коттеждларда яшовчиларга тегишлидир.

Айни даврда дунёнинг кўпгина давлатларида атроф-муҳит софлигини сақлаш мақсадида қатор тадбирлар белгиланмоқда. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати 2010 йилнинг августидан 0,012 мм ҳажмдаги пластик пакетлар ва улардан супермаркет ва дўконларда фойдаланишни ман этди. Қонунни бузганлар катта миқдорда жарима ундирилиб, дўкондорлардаги мол-мулклар мусодара қилинади. Маълумотларга кўра, Хитойда бепул тарқатиладиган пластик пакетлардан воз кечиш эвазига йилига 3 миллион тоннагача нефтни тежар экан. Хиндистоннинг бир неча штатларидан оқиб ўтувчи Ганг дарёси айнан полиэтилен халтачалари билан тўлиб-тошиб кетганлиги боис ундан фойдаланмасликка мажбур бўлишди. Бундан ташқари Аргентина, Тайванд, Мексика, Уэльс, Франция, Австрия, Уганда, ЖАР, Кения, Сомали, Танзания ва Бирлашган Араб Амирликларида қаттиққўллик билан иш қўрилмоқда. Пойтахтимиз дунёнинг йирик шаҳарларидан бирига айланмоқда. Аҳоли сони тобора кўпайиб бораётган азим Тошкентимизда табиий эҳтиёж туфайли чиқиндилар миқдори ва ҳажми ҳам ошиб бораверади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг яқинда қабул қилган "Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ва ҳудудларда тозаллини сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарорига мувофиқ маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш бўйича қоидалар тасдиқланди. Чиқиндиларни 5 турга ажратиш ва ҳар бири учун алоҳида рангдаги маҳсул кетга жойлаштириш қоидага киритилди. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб ҳаво ранг пакетга пластмасса, оқ рангдаги қоғоз, сариқ рангдагисига озиқ-овқат, қора рангдагисига бошқа чиқиндилар ва бешинчи маҳсул идишга симобли лампаларнинг ишлатиб бўлинган ресурслари солинади. Чиқиндиларни ташвиш бўйича жорий этилаётган бу янги тизим, аввало, тоза-озодлик, экология, санитария-эпидемиология даражасини юксалтириш, шу тариқа инсон манфаатлари, биринчи галда унинг саломатлигини ўйлаш, ҳаво мусаффолигига эришиш, қолаверса, чиқиндиларни қайта ишлаш тизimini йўлга қўйишга қаратилган.

Азимжон ПҲЛАТОВ

## Экологик хавфсиз жойлар

**Сингапурда томга куёш батареялари ўрнатилган турар жой бинолари қурилиши бошланди.**

Бинолар куёшдан қувват олиб, кўп миқдорда энергия олиш имкониятига эга. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, цилиндр шаклидаги бундай бинони барпо этишда қўлланиладиган фотоэлектрик панелларнинг кунлик ишлаб чиқариш қуввати кун давомида сарфланадиган энергиядан беш баробар кўп. Экологик хавфсиз бундай турар жой бинолари электр энергиясини тежашнинг энг қулай йўлидир.



## Тилсиз ёв "кенгаймоқда"

**Испаниянинг шимолий-шарқий ҳудудларидаги ўрмон ёнгинлари Франция чегарасигача етган.**

Тилсиз ёв тўла бартараф этилгани йўқ. Иссиқ об-ҳаво ва кучли шамол ёнгинларнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Расмийларнинг фикрича, сўнгги пайтларда кузатилаётган ёнгинлар асосан олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлаётгани оқибатида содир бўлаётди. Хабарларга қараганда, ёнгин қарийб 14 минг гектар ҳудудни қамраган. Ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар бор.



## Экинлар нобуд бўлаётир

**АҚШда ҳукм сураётган қурғоқчилик оқибатида чигиртка, кўнғиз каби зараркунанда ва ҳашаротлар тобора кўпаймоқда.**

Бундай ҳолат гуруч, маккажўхори, арпа каби экинларни нобуд қилиб, фермер хўжаликларига катта зиён етказмоқда. Фермерларнинг сўзларига кўра, жорий йилда ушбу маҳсулотлар танқислиги кузатилиб, баҳоси бирмунча ошиши мумкин. Муаммонинг олдини олиш мақсадида ҳозир экин майдонларига махсус кимёвий моддалар билан ишлов берилмоқда.

Эслаиб ўтамиз, АҚШда етиштирилаётган маккажўхорининг ҳаҳон бозоридеги улуши 56 фоиздан иборат.



## Энди навбат Гамбургга

**Германиянинг Гамбург шаҳрида жорий йилнинг 1 сентябрдан чекиш таъқиқлаб қўйилди.**

Янги қонунга кўра, энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилиб, тамаки маҳсулотлари савдоси кучли назоратга олинади. Чекувчилар учун ресторан, меҳмонхона ва бекатларда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган махсус чекиш хоналари ташкил этилади. Хабарларга қараганда, қонунбузарларга катта миқдорда жарима солинади. Қонуни ижросининг таъминлигини полиция ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари назорат қилиб боради.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

## РАНГИН ДУНЁ


**Жанубий Осиёда жойлашган Шри-Ланка 1972 йилгача Цейлон ороли деб аталган. Оролининг каттагина қисми қоя ва тоғ кристалларидан ҳосил бўлган пасттекисликлардан иборат. Жанубий қисми унчалик катта бўлмаган зинасимон тоғлар билан ўралган. Қир-адирларидеги қуюқ ўрмонзорларни бир-бирдан кичик-кичик дарё ирмоқлари ажратиш туради. Оролининг энг юқори нуқтаси Пидуруталагала (2524 м.) тоғидир.**

**ИКЛИМИ**  
Нам тропик iklimга эга Шри-Ланканинг жануби-ғарбий қисмида октябрь ойидан апрелгача илж ва ёқимли об-ҳаво ҳукм суради. Ғарбий муссон шамоллари эса май-июль ойларида эсади. Қисқа ёмғирларнинг ёғиши ноябрь-декабрь ойларига тўғри келади. Денгиз сувларининг ҳарорати эса ўртача 26 даражадан ошмайди.

**ТАРИХИ**  
Шри-Ланка оролига кўчманчи халқлар тахминан юз минг йил олдин ўрнаша бошлаган. Диний ва ирқий хилма-хиллик доимий мождаро ва урушларга сабаб бўлган. Эраимизга қадар V асрда ҳинд орийлари томонидан бу ерда илк давлат барпо этилади. Бироқ, жанубий ҳинд тамилла-

рининг қаршилиги туфайли бу давлат тезда парчаланиб кетади. VIII асрда ҳукмронлик яна орийлар қўлига ўтади. XV асрда келиб эса Шри-Ланкада учта қироллик вужудга келди. Табиийки, қиролликлар ўртасида тез-тез низолар чиқиб турди. Бу эса португалиялик колонизаторлар учун жуда қўл келди ва XVII асрда келиб улар оролининг соҳил-бўйи қисмини эгаллаб олишди. Ундан кейинги асрда эса португаллар ўрнини голландлар эгаллади. 1796 йили оролга инглизлар бостириб кирди ва Цейлон қироллик колонияси деб эълон қилинди. Бироқ, инглиз колонизаторларига оролни буткул забт этиш XIX асрдагина насиб этди. Узоқ йиллар давомида инглизлар оролдан хомашё базаси сифатида фойдаланиб келди. Бу

## Ҳосиятли замин



орада маҳаллий халқ бир неча бор кўзголон кўтарганига қарамай, озодлик ҳақидаги ўйлар орзулигача қолди. Биринчи ва иккинчи ҳаҳон уруши йиллари ҳамда 1920-1930 йилларда рўй берган иқтисодий инқироз миллий ватанпарварларни янада жипслаштирди. 1948 йили Англия ҳукумати Цейлонга доминионлик ҳукуқи асосида мустакиллик беришга мажбур бўлди. 1972 йили халқнинг хоҳиш-иродасига кўра, оролда инглизлар сиёсати буткул барҳам топди ва Шри-Ланка республикаси ташкил этилди.

**ИҚТИСОДИ**  
Мамлакат иқтисодиёти ривожига туризм (2004 йилда ЯИМ 9%) муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, 2008 йилда мамлакат 7,9 млрд. доллар ҳажмида текстил ва кийим-кечак, чой, зираворлар, қимматбаҳо тошлар (олмос, зумрад, ёқут), қола, резина ва балиқ маҳсулотларини экспорт қилди. АҚШ, Буюк Британия, Хиндистон, Германия ва Бельгия мамлакатининг асосий иқтисодий ҳамкорлари ҳисобланади. Нефть, озиқ-овқат маҳсулотлари, санаот ускуналари ва транспорт воситала-

рини эса мамлакат Хиндистон, Хитой, Эрон, Сингапур каби давлатлардан импорт қилади. 2008 йилда импорт кўрсаткичи 12,3 млрд. долларни ташкил этган.

**ОРОЛГА СЌЌҲАТ**  
Табиати гўзал ва хушманзара Шри-Ланка Ҳинд океанида жойлашган кичик орол бўлишига қарамай, ЮНЕСКО рўйхатида киритилган 130 та тарихий ёдгорликлардан еттитаси айнан шу ҳосиятли замин қўлида жойлашган. Бу ўлка қадимий тарих ва аънанала-

рига эга. Оролда табиат ва инсон қўли билан яратилган ноёб санъат дурдоналари сақланади. Будда ибодатхоналари, хазиначоҳ ва монастырлар, ҳайкал ва маъбудалар, бундан бир неча асрлар илгари инсон томонидан кашф қилинган сув омборхонаси ўлка тарихи ва маданиятининг нақадар бойлигини дарақ беради. Шри-Ланка Экватордан бор-йўғи 800 километр узоқликда жойлашгани боис, тропик оролларга хос барча бойликларга эга. Ланкаликлар таъбири билан айтганда, оролда фақат

учта ранги: осмон ва океанининг мовий тусини, сариқ ва тилларанг соҳилларни ҳамда яшилликка бурканган тропик ўсимликлар дунглиги илғаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Шри-Ланка ландшафти ҳар қандай кишини ўзига ром эта олади. Айниқса, мамлакатнинг фахри бўлиши бепоён чой плантациялари ниҳоятда чиройли кўринади. Орол сиз ўйлагандек фақат чой плантацияларидан иборат эмас, албатта. Унинг диққатга сазовор жойлари жуда кўп. Канди (оролнинг қадимий пойтахти), Анурадхапур, Полоннарув, Сигирия, Нуварара-Элия тарихий аҳамиятга молик масканлар сирасига қиради. Энг асосийси, ланкаликлар ниҳоятда меҳмондўст халқ. Улар дўстона муносабатларни кадрлашади. Жанубий Осиё мамлакатларида бўлгани каби бу ерда ҳам "крикет" севиб ўйналади. Бу ўйин ланкаликлар орасида шу нақадар оммалашиб кетганини 1996 йили крикет бўйича ўтказилган ҳаҳон чемпионатида Шри-Ланка жамоаси биринчилигини кўлга киритганидан ҳам билиш мумкин.

Зафар МУҲАММАД

Шри-Ланка республикаси. Пойтахти Шри-Жаяварденпура-Котте шаҳри. Майдони: 65 610 кв.км. Аҳолиси: 21 миллиондан зиёд.

# НИГОҲ

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### “Энг намунали хонадон”

Бухоро вилояти Пешку туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида “Мустаҳкам оила йили”га бағишланган “Энг намунали хонадон” кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов Янги Бозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги тўртта маҳалла вакиллари ўртасида бўлиб ўтди. Иштирокчилар бир неча шартлар бўйича ўзаро беллашишди. Фотима Давронова («Чақирчи» МФЙ), Фароғат Исмаилова («Мустақиллик» МФЙ) ва Гулнора Раҳматова («Янги Бозор» МФЙ) хонадони энг намунали деб топилди. Тоғлибдорларга ҳомийларнинг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида туман бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури намойиш этилди.

### Биз буюк юрт фарзандларимиз!

Фарғона шаҳар марказий ўйингоҳида “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси, “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши, вилоят маҳсулоти кенгаши-хунар ташлими ҳудудий бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган фестивалда эл суйган санъаткорлар — Зулайхо Бойхоннова, Гулсанам Мамазонова, Райхон Ганиева, эстрада хонандалари Улуғбек Раҳматуллаев, Ботир Қодиров ҳамда фарғоналик санъат усталарининг куй-қўшиқлари кечага янада файз киритди.

### Ёз — ўтмоқда саз

Қашқадарё вилоятидаги ёзги оромгоҳларда болаларнинг дам олишларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Яқкабғо туманидаги “Шўртан қалдиғочлар” ёзги болалар оромгоҳига вилоят драма театри актёрлари ташриф буюришди. Театр актёрлари томонидан куйланган қўшиқлар, қизиқарли сахна кўринишлари болаларга олам-олам қувонч бахш этди. Китоб туманидаги “Ёш алангачи” оромгоҳида эса Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Учрашув сўнггида Китоб туман маданият уйи қошидаги “Китоб гуллари” ашула ва ракс ансамбли хонандалари концерт беришди.

Озода БУРҲОНОВА

### Такдимот

Қуала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти намойиш қилинди.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси ахборот хизмати маълумотларига кўра, тадбирда мамлакатимизнинг бетақдор тарихий ва маданий объектлари, табиат гўзалликлари, устасуналарнинг томонидан тайёрланган амалий санъат намуналари ҳақида ҳикоя қилувчи видеороликлар намойиш этилган.

“Туркистон-пресс”

Ватанимиз азалдан ўзининг устаю хунармандлари, наққошу мусавирлари билан дунёга машҳур бўлган. Ўзбек усталари ва хунармандларининг ижод маҳсуллари Буюк Ипақ йўлида жойлашган шаҳару мамлакатлардан ташқари Европада ҳам юксак даражада қадрланган.

Қўлигул хунармандларимиз, беназир усталаримиз ясаган буюмлар санъат асарлари даражасига кўтарилган. Минг йиллардан бунён дунё сайёҳларини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келаятган Самрақанду Бухоро, Хиваю Шаҳрисабз, Тошкенту Термизнинг улугвор меъморий обидаларида қўлигул усталар, хунарманд ва мусавирларимизнинг бетимсол ижод намуналари мангуа муҳланган.

## КАДРИЯТЛАРИМИЗ



## Ўзбек миллий хунармандчилиги

### КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

лолчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, кандакорлик, заргарлик, тоштарошлик, сандиқсозлик, бешикчилик, тўқимачилик, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқиш сингари хунармандлар турли кўргазма, аукцион, кўрик-нигоҳида ва фестивалларга қатнашади. Бу эса хунармандларнинг тажриба алмашиш, маҳсулотларини намойиш этишда, ўз қобилият ва маҳоратларини оширишда катта аҳамиятга эга. Ана шундай кўргазмалар сирасига “Ўзбекистон халқ амалий санъати — дунё нигоҳида”, “Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар”, “Навқирон Ўзбекистон”, “Қайта тикланган хунар”, “Ташаббус”, “Асрлар садоси”, “Bazar-Art”, “Ипақ ва зираворлар”, “Дўппи тикдим ипақлари тиллодан”, “Қўли гулдир ўзбек аёлини”, “Хунарим-гавхарим” каби тадбирларни киритиш мумкин.

Миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш ёш йигит-қизларимизда аждодларимиздан мерос қолган халқ хунармандчилигига бўлган қизиқишнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “устоз-шогирд” анъанани алоҳида эътироф этиш мумкин. Бу борада юртимизда қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, биргина “Хунарманд” уюшмаси тарқатиб 500 дан ортиқ “устоз-шогирд” мактаблари юртимиз қишлоқ ва шаҳарларида фао-

лият юритмоқда. Уларда 2600 нафардан зиёд ёшлар хунар ўрганишмоқда. Бундан ташқари ёш хунарманд қизлар истеъдодини намойиш қилиш, уларга ўз ижодий ишлари билан кўргазмаларда иштирок этиш имконини бериш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида республикамизда “Дўппи тикдим ипақлари тиллодан” танловини ўтказиш анъанавий тус олди. Қолаверса, ҳар йили хунармандлар турли кўргазма, аукцион, кўрик-нигоҳида ва фестивалларга қатнашади. Бу эса хунармандларнинг тажриба алмашиш, маҳсулотларини намойиш этишда, ўз қобилият ва маҳоратларини оширишда катта аҳамиятга эга. Ана шундай кўргазмалар сирасига “Ўзбекистон халқ амалий санъати — дунё нигоҳида”, “Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар”, “Навқирон Ўзбекистон”, “Қайта тикланган хунар”, “Ташаббус”, “Асрлар садоси”, “Bazar-Art”, “Ипақ ва зираворлар”, “Дўппи тикдим ипақлари тиллодан”, “Қўли гулдир ўзбек аёлини”, “Хунарим-гавхарим” каби тадбирларни киритиш мумкин.

### Алихон АБДУҒАНИЕВ, Ёғоч ўймаkori, Наманган вилояти:

— Ҳозир Наманган педагогика коллежида ўқияман. Спорт билан мунтазам шуғулланаман. Шу қатори хунар ҳам эгаллаяман. Ясаган сўриларимиз Тошкент, Фарғона, Қўқонда сотилапти. “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлдим. Мақсадим Ўзбек миллий хунармандчилигини дунёга танитиш. Биз каби ёшларнинг истеъдод ва иқтидорларини намойиш этишда юртимизда ярашароит ва имкониятлар яратиб берилган. Масалан ўтган йили “Ташаббус — 2011” кўрик танловининг шаҳар, вилоят босқичларида голиб бўлиб, якуний республика босқичида иштирок этдим. Диплом олдим, лауреат бўлдим. Бу менинг илк

ютуқларим. Келгусида хунарим билан янада улкан ишларни амалга ошириб, халқим ва Ватанимга хизмат қиламан.

### Истам ЯХШИЕВА, Каштадўз, Бухоро вилояти:

— Каштачилик фақат уй бе-заги учун ишлатилган бўлса, бугунги кунда санъат асарлари даражасига кўтарилди. Дунё халқлари миллий хунармандчилигимизга, айниқса, кашта ишига катта қизиқиш билан қарамоқда. Бу фикрларни айтишимизга сабаб, биз хунармандлар учун турли кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этилади. Ўтган йили ана шундай кўргазмалардан бири — IX “Bazar-Art” кўргазма-ярмаркасида иштирок этдим. У ерда амалий санъатнинг барча турлари муҳасаммалашганини кўриб кўзинг қувнайди. Мени мазкур кўргазмага халқимизнинг ноёб санъат асарлари ҳисобланмиш-сўзана, яқтак ва халталар билан иштирок этгандим. Шу пайтгача бодом, илон, анор, чаён ва тошбақа рамази туширилган сўзаналарим кўпчилик эътиборини тортмоқда. Айниқса, тўрт кутб рамази сифатида уйғунлашган тўрт кўза акси туширилган сўзанамга харидорларнинг қизиқиши ортди. Ҳозирда бу хунарни маҳалламиздаги қизларга ўргатмоқдаман.

### Наргиза АҲМЕДОВА, Миллий либселова бўйича дизайнер:

— Миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш ҳолда тиккан либселарим кўпчиликнинг эътиборига тушганидан бахтиёрман. Хунармандлар учун ташкил этилаётган турли тадбирлар натижасида биз чет элликлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатиш имкониятига эга бўлаяпмиз. Жумладан, Малайзия, Корея вакиллари яратган миллий либселаримга жиддий қизиқиш билдирди ва биз билан шартнома тузди. Ҳозирда фаолиятимни кенгайтириб бормоқдаман. Ўтган йили эса Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика Хотинқизлар кўмитаси, ЎзННТМА ва “Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар” ташаббуси билан ташкил этилган “Оилавий тадбиркорлик” кўргазмасида муваффақиятли қатнашдим. Ташкилотчилар маҳсулотларимизга юқори баҳо беришди ва диплом билан тақдирладим.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Доимо меҳнат қил, меҳнатни елкандаги оғир юк ёки кулфат деб билма ва меҳнатинг эвазига ҳеч қачон эътироф, мақтов кутма. Меҳнатинг ортидан фақат умумий фаровонлик кутишгагина ҳаққинг бор.

Хушчақчақ кайфиятни сақлаб туришнинг сирини — ҳар хил майда нарсалардан асабийлашмаслик ва тақдир бизга инъом этадиган энг кичик хурсандчиликдан ҳам росмана қувониш ва завқлана олишда.

## РИВОЯТ

### Чин дўст сифатлари

Кунлардан бир кун илм талаб шогирд устозидан сўради: — Устоз ҳақиқий дўстнинг сифатларини баён қилсангиз. — Инсон ҳаётида чин дўст жуда кам бўлса-да, лекин ундан етадиган яхшиликлар, эзгуликлар ниҳоятда кўпдир. Ҳақиқий дўст энг, аввало, ўзининг содиқлиги билан ажралиб туради. Сени олдинда ҳам, сен йўқ давраларда ҳам мудом ҳимоя қилади, яхши гапини дариг тутмайди. Омад сендан юз ўғирганда ҳам доимо ёнингда бўлади. Хуллас, молини ҳам, жонини ҳам сендан аямайди. Хато қилсанг самимият билан тузатади, бахтинг чопса чин дилдан қувонади, — деб жавоб берибди устоз.

## БИЛАСИЗМИ?

Коинотда кенг тарқалган элемент — водороддир. Ундан кейин эса гелий туради.


«Меркурий» сўзи инглиз тилида “символ” деган маънони англатади. Аммо бу сайёранинг аксар қисми темирдан иборат. У ерда символ умулан йўқ.

## ТУРФА ОЛАМ

### Ер остидаги улкан денгиз

ГЕОЛОГЛАР НАМИБИЯ ХУДУДИДА УЛКАН ЕРОСТИ СУВ ЗАХИРАСИ МАВЖУДЛИгини АНИҚЛАШДИ.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ерости денгизи экологик жиҳатдан тоза бўлиб, ундан бир неча асрлар давомида умуман фойдаланилмаган. Ҳатто, унинг борлигини ҳам ҳеч ким билмаган. Геологларнинг ҳисоб-китобига кўра, янги кашф этилган сув манбаи мамлакат шимолини 400 йил давомида оби-ҳаёт билан таъминлай олади. Олимларнинг фикрича, янги сув манбаи мамлакат қишлоқ ҳўжалигини янада ривожланишига олиб келиши мумкин.



## Дазмоллар музейи

ДУНЁДА ТУРЛИ ХИЛ БУЮМЛАРГА АТАЛГАН МУЗЕЙЛАР ЖУДА КўП. УЛАРНИНГ СОНИ ЯНА БИТТАГА ОРТДИ.

Мазкур музейнинг дастлабки си 2002 йили Россиянинг Переславле-Залесскда очилган бўлса, галдагиси жорий йилда Новгород шаҳрида фаолият юрита бошлади. Музей экспозицияларида 200 дан ортиқ XVIII-XX асрларда Россия, Германия, Франция, Италия, АКШ, Таиланд, Англия, Чехия, Испания, Польша ва Скандинавиялик усталар томонидан ясалган қадимги ва замонавий дазмоллар қўйилган. Улар орасида кўмир, спирт ва газда ишлайдиганлари ҳам бор.



## Колизей “Лего”дан қурилди

АВСТРАЛИЯ МУЗЕЙИГА БОЛАЛАРНИНГ «ЛЕГО» ўйинчоғидан ТАЙЁРЛАНГАН КОЛИЗЕЙ НУСХАСИ ҚўЙИЛДИ.

Унинг муаллифи Райан Макнот Колизей нусхасини тайёрлаш учун 200 мингга яқин «Лего» деталларидан фойдаланган. Ўйинчоқ колизей нусхасида ажиб манзарадан ҳайратга тушган сайёҳларни, турли антик дараклар, фаввора ва ҳайвонларни ҳам кўриш мумкин. Иншоот ичда томошабинлар, гладиаторлар ва ишчилар жойлаштирилган. Яқин кунларда эса Райан Макнот «Лего»дан Airbus A 380 самолёти нусхасини томошабинлар ҳўқмига ҳавола этиш ниятида.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади



(ЎЗА) олган суратлар.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Рафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Бюртма — Г 719, Адади — 5232. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. **Навбатчи муҳаррир:** Камолддин ҲОТАМОВ **Навбатчи:** Бехбуд БОТИРОВ **Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: milliy@sarkor.uz Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.40. **ISSN 2010-7714**